



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 190 (9836).

1990 йил 5 октябрь

жума

Баҳоси 3 тийин.

• ҲОСИЛ—90 •

• ҲОСИЛ—90 •



Чиноз ноҳиясидаги «Қизил Октябрь» жамоа хўжалигининг Эгамберди Тўраев бошлиқ бригадасида бу йил ҳосилдорлик гектаридан 32 центнер бўлди. Бунинг учун ижтимоий ҳам, ҳосил ҳам бор. Суратларда: механизатор Мурод Рафқоров ҳисобчи Умурсўз Бахиров билан; Шоим Саримқоқов ҳар кун машинасида 11—12 тоннадан пахта терилган; Пахта қўрилганда; Терим энди қилинган.

Суратчи А. ЗУФАРОВ.

Шу сонга хабарлар

МУҲАҲРИРИЯТИМИЗГА ноҳиялардан турли-туман муҳим, пахта мавсумининг боши билан боғлиқ бўлган хабарлар келиб турибди. Уларнинг аксариятида жойларда йиғим-терим ишларининг боши билан бирга пахтакорлар, умуман, пахта билан машғул бўлган кишиларнинг ҳам унутилмаётганини айтиш мумкин. Хабарларнинг биринчисини Ўрта Чирчиқдан олдик.

КУНИГА ЎСИШ 8 ФОНЗ

Ноҳияда кунлик ўсиш ҳозир 8,12 фонзга етди. Бир кунда бунчалик пахта топирилишини деҳқонлар ҳали шу вақтгача бўлмаган воқеа деб айтишарди. Шубҳасиз, бунда бу йилги куннинг яхши келиши билан бирга пахтакорларнинг меҳнати, хўжалик раҳбарларидаги ташкилотчиликнинг ҳам хизмати кўп. Шундай бир мисолни олайлик: ноҳияда мавсум бошланиши билан сисей комиссарлар турули тўзилган. Ноҳия шўроси, ижрокўм, партия ноҳияларининг вакиллари бўлиши комиссарлар муайин хўжаликларга бириктириб қўйилган ҳамда уларнинг вазифаси, ўзлари бош бўлган хўжаликда теримни ташкил этиш ишлари-

га раҳбарлик қилиш зарур бўлганда уларга керакли ёрдамни беришдир. Яъни, бир сўз билан айтганда бўлса улар ҳозирги тизим давларида хўжалик раҳбарларининг бир қисм ташвишларини ўз зиммаларига олишиб, ишларини енгиллаштиришга эришди.

Қишлоқ шўроларининг расислари ҳам тадбирдан четда қолмади. Ўй, улар маълум пахта қабул қилиш пунктларидаги ишларга бошқоқ бўлиб, кечаю кундуз ишлаётган пунктларнинг техника билан таъминланиши, ошхона, дуконларнинг доимий ишлаб туришини назорат қилиб боришарди. Мақсад — нима қилиб бўлса ҳам ишчиларнинг таъминотини яхшилаш, уларни майда-чуйда ташвишлардан холи қилишдир. Бу нарсалар, албатта, кишиларнинг бахузув меҳнат қилишлари ва оқибатда иш унумининг ошишига таъсир қилмасдан қолмайди.

ПАХТАКОРЛАР УЧУН

топиришга яқинлашиб қолган бўлиши, баъзилари мажбурий ҳисобига пахта топиришини давом эттиришарди. Булар, Партия XIX съезди жамоасидан Исроил Анорбоев, Худойберди Абдужабборов, Санд Худойқулов ва Аҳмад Душабоєвларнинг бригадаларидир.

Машиналари билан энг

кўп пахта териб бераётган олди теримчилар ҳам кўзга кўриниб қолди. Шокир Исроилов, Ашуралли Ёлдошев, Аҳмад Омоновлар 100—110 тоннадан ҳосилни йиғиштириб олишди.

Терим терим билан-ку, лекин теримчининг ҳам эсдан чиқармаслик керак. Шунинг учун ҳам деҳқонлар хизмати-

да бўлиши лозим бўлган ташкилотлар белгиланган жадвал бўйича даладага чиқиб туришлари. Ноҳия маданият уйи, маърифат хизмат ҳодимлари, шифокорлар кўча дўкон сотувчилари доимо уларнинг ҳузурида бўладилар. Мақсад — ўзларининг хизмати билан бевосита бўлмасда, бавосита теримнинг унумли ўтишига баҳоли қудрат ёрдам беришдир.

Р. ХУДОЕВОВ.

ҚУВОНЧ

БИЛАН ТЕРИЛМОҚДА

Даладан репортаж

Коммунистик район деҳқончилик саноати уюшмаси раиси Азизбек Нишонбоевнинг иш хонасидаги рақия чироқлари овоз чиқариб ёниб ўтди. Бу товушлар қон томирларидек пахта даладаги уланган кетган. Сим орқали мулоқот қилган кишиларнинг шу кунлардаги ташвишларини битта — пахта йиғим-теримини жадаллаштириш:

— Азизбек эшитди, — дея жавоб қилди раис энг тарафдаги мўъжизага микрофони утирилди.

— Рақияда Свердлов номи колхоз раиси Абдумажид Машабоєв, — Азизбек, иним, бу қандай бўлди ахир, аравалар етишмапти-ку. Кеча 7 фонз пахта бердик.

— Хабарин бор, сабр қилинг, Бугун пешингача «центровоз»лар боради.

— 4—5 та «центровоз» юборсангиз борми, кунлик нормани 8—9 фонзга еткази-

шимиз ҳеч гап эмас.

— Ҳайратингизга балли, Абдумажид ака, машиналар албатта боради. Кутиб олинг.

Ушма раис сотида турган кунлик пахта тайерлашининг боши ҳақидаги маълумотлар район пахтакорларининг ибратли ишларидан ҳикоя қилиб турибди. Вилотнинг районлари ўртасида эса иккинчи ўринда бориб пешқадимликни қўлдан бермейдир.

Ахир ушма пахтакорлар бу йил 8500 гектар ерга чигит экишди. Фидокорона меҳнат тадбирчилари билан қўшилиб яхши самара берди. Бугун чақоқларда қилиб турган олпоқ нуқрадор ҳосилдорлик мўлжаллар 27,5 эсас, балки 30 центнерга етиши мумкинлигиндан дарак бермоқда. Эндиги мақсад етиштирилган ҳосилни айни-сонинга қўймай териб олишдир. Районда пахта терим учун ташвишдор керак бўлмай қолди. Даладаги колдуздек сонинган кишилар ҳосил-

ни қувонч билан териб олишмоқда...

Деҳқон далаи оқ дегизга ўхшайди. Район бўйича 200 зағори кема шу дегизда жаволан уриб ҳар кун 1700—1800 тонна ҳосил тўймоқда. Бу йил етиштирилган пахта-нинг 82 фони машиналар ёрдамида териб олинди. 1317 нафар теримчи эса асосан машина айландирган эгит чела-ридаги пахталарни йиғиб олмақда.

Районда пешқадимликни қўлдан бермай келаётган «Ўзбекистон», «Правда» ҳамда «Политотдел» колхозлари дала-ларида терим машиналари шотоб билан пахта термоқда.

Кун пешинга яқинлашганда ҳамроҳимиз — район деҳқончилик уюшмаси бош агрономи Жумадилла Гаппоров бизни кунлик пахта топиришда пешқадимлик қилаётган Свердлов номи колхоз далаери томон бошлади.

Ҳосил тўлдирилган арав-

ларни тиркаб олган тракторлар пахта пунктларига равона бўлай деб турган жойда тўхтади. Жамоа хўжалиги раҳбари Абдумажид Фойбергенович пахта қарвонларини катта йўлга кузатган, хўжалик агрономи Трофим Лукич Югайга тушунтирди:

— Лукич (у агрономни шундай деб атайдилар), мен пахта пунктдан хабар олам. Сен мулоҳида кутиб тур. Ҳадемай, «центровоз»лар келиб қолади.

Раис салом-алиқдан сўнг юз-кўзлари дала шамолда тобланган гўлабдордан келган кишини таништирди:

— Аёз ака Қўлбеков, ажойиб бригадир, ҳосил устаси...

Аёз аканинг 100 гектарлик далаида ҳақиқатдан ҳам ҳосил мўл. Мўлжал — 35 центнер. 27 гектарлик ерга 3 та терим машинаси ишламоқда. Механизаторлар А. Шеркулов, А. Кимсанбоев ва И. Раимкулов ўртқалар пўлт эгаллашмоқда. Уйлағимиз, тадбиркорлар бунинг ҳам эпини қилишарди.

Майса устига олпоқ дастурхон ёзилиб ҳоври чиқиб турган тоғора ўртага қўйилди. Ис-сик нон ушатиқди. Дам чиқиб улгурмаган паловни механизаторлар иштаҳа билан ейишарди...

Машина шиддат билан олға интилди. Трофим Югай ушма агрономи Жумадиллага ҳамон нималаринидир тушунтириб боради. Бу гал у пахта пунктларида кутиб турган аравалар 4—5 соатлаб туриб қолётгани ҳақида кўйиниб гелирарди.

Дарҳақиқат, пахта қарвонлари «Жумабозор» ва «Ўзбекистон» пахта пунктлари эшигиде соатлаб туриб қолётган. Бунинг сабаби биргина торо-зи шунча ҳосилни қабул қилишга улгурмапти. Аёз ака бригадасида 12 та трактор қўшилган. Ҳар бирини қўш араваси. Аммо соат 11 да қўлга чиққан олпига трактор далага кечга яқин қайтиб келмоқда. Уйлағимиз, тадбиркорлар бунинг ҳам эпини қилишарди.

Эмин-эркин меҳнат қилиб етиштирилган ҳосилни қувонч билан йиғиб олаётган пахтакорлар ҳузуридан қайтар эканмиз, уларнинг фидокорона меҳнатлари янада бара-ка тиладик.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Пахтакорлар хизматига СОҒЛИГИНГИЗ ЭЪТИБОРИМИЗДА

Исон соғлом бўлсагина унумли меҳнат қилиши мумкин. Шу жиҳатдан олганда биз шифокорлар ҳар йили пахта йиғим-терим мавсумида далада фидокорлик билан тер тўқётганларга имкониётини борица тиббий хизмат кўрсатаятган-лигимиздан ўзимизда озми-кулини маъмурий сезамиз. Бу йил ҳам соғлиқни сақлаш хизматлари ҳозирги қизгин далада пахтакорлар билан ёниб-ёнар. Ўз вақтида уларнинг қорига яраш мақсадида вилот соғлиқни сақлаш бўлими ёз фаслидаёқ аниқ режалар тузиб олган эди. Шунга мувофиқ барча ноҳияларда турли ихтисосликдаги врачлар, ҳамширалардан иборат махсус штаблар фаолият кўрсатмоқда. Поликлиникалар, медицина-санитария қисмлари ва бошқа даволыш шохобчаларида ташкил этилган кўчма бригадалар кишлоқ хўжалик ишларида жалб қилинганларни мунтазам кўриқдан ўтказиб турибдилар.

Мавсумда соғлиқни сақлаш хизматлари дефолация юмушларини бажаришда қатнашган механизаторлар, дефолантилар билан шугулланувчилар саломатлигига алоҳида эътибор беришмоқда. Бу борада вилот бош давлат санитар шифокори Ф. К. Стром бошчилигида қатор хўжаликларда тушунтириш ишлари олиб борилади. Дала шийпонлари, дори сақланган жойлар, жавсумий боғчалар назоратдан ўтказиб турилади. Аҳоли орасида рўй бериши мумкин бўлган ҳар хил касалликларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мавсумда вилот соғлиқни сақлаш бўлимининг аниқ кўрсатмасига биноан саломатлик маркази ходимлари ҳам ўз жойларини далада ҳам деб билмоқдалар. Хусусан, Ҳайдар Шоумаров, Абдуғани Ҳакимов, Санда Мухаммадиева, Шариф Бекмирзаев, Мурод Абдуллаев

каби шифокорлар ҳамда инструктор Мухтарам Эргашева бир неча бор турли ноҳиялардаги хўжаликларда бўлишиб, меҳнаткашлар билан суҳбатлар ўтказдилар, уларнинг оила аъзоларига зарур бўлган тиббий ёрдамни кўрсатдилар.

Маълумки, йиғим-терим палласида ўзини пахтакор деб ҳис этиш ҳар бир касб эгасининг дилита сингиб кетган. Вилот дорихоналари, вилот тиббий техника ташкилотчи хизматлари ҳам шу тўғрй билан қишлоқ даволыш муассасаларига дори-дармонлар, медицина асбоб-анжомларини етказиб беришда ёрдам кўрсатмоқдалар.

Биз шифокорлар, мавсум сўнгига ҳам ўзимизни дала меҳнаткашлари билан ҳамкор, ҳаминфас деб билишимиз ва улардан қўлимиздан келган ҳар қандай ёрдамимизни аямаймиз.

Ж. ХҲАЕВ,
Вилот саломатлик маркази бош шифокори.

ТЕРИМ КУНДАЛИГИ

Вилотимиз ноҳияларида пахта тайёрлашининг боши тўғрисида 4 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фонз ҳисобида)

Биринчи устун — ноҳиялар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган; учинчи устун — мавсум бошдан буён; тўртинчи устун — машина терими бир кунлик; бешинчи устун — мавсум бошдан буён.

Бекбод	3,85	68,02	3,96	68,22
Коммунистик	7,33	67,61	8,80	81,05
Ўрта Чирчиқ	8,02	60,83	10,11	74,91
Оқдўғрон	6,00	59,24	7,34	63,37
Пискент	6,27	55,74	6,90	52,01
Бўка	6,23	55,51	7,98	60,73
Чиноз	4,88	55,35	6,10	45,17
Ғалаба	5,85	53,08	6,81	61,34
Янгийул	4,36	45,58	5,22	43,02
Вилот бўйича:	5,82	58,36	6,72	59,71



Янгийул ноҳиясидаги Ҳамроқул Турсунқулов номи колхоз маъмурияти жамоа ветеранларига ёрдам сифатида, уларнинг «Тошкент

ҳақиқати»га ҳамда «Янгийул» ноҳия рўномасига обуна бўлишлари учун маблағ ажратди. Суратда: ўзларига кўрсатилган эътибор-этибордан мамнун отахонлар бир

иёла чой устида рўномаларда чоп этилган янгиликларни муҳокама қилмоқдалар.

Р. ГАЛИЕВ суратга олган.

«Ўтган йилдагидан кўп бўлади»

ЯНГИЙУЛ НОҲИЯСИНИНГ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИ РАҲБАРЛАРИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ХОДИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАРДА АНА ШУНДАЙ ИШОНЧ БИЛДИРМОҚДАЛАР

Ўтган йили ноҳия меҳнаткашларининг 2 мингдан зиёди «Тошкент ҳақиқати» рўномасига ёзилишган. Ҳўш, бу йилчи? Обуна нархларининг қимматлашгани бу жараёнга салбий таъсир кўрсатмайдими?

Рўнома муҳаррири ўринбосари Раҳимберди Умаров, мафкура бўлимининг мудир Убайдулла Абдушодиқов, рўноманинг ўз муҳбири Алишер Ҳакимов ана шу ва бошқа саволларга жавоб олиш мақсадида Янгийулга келдилар. Халқ депутатлари ноҳия Совети раиси, ноҳия партия комитетининг биринчи котиби Абдуғани Юсупов тахририят вакиллари таърифи сабабларини эшитган, уларни хўжалик раҳбарлари билан учрашуга таклиф этди.

Хўжаликлар раҳбарлари билан бўлиб ўтган дастлабки мулоқотда «Октябрь» колхозининг раиси Ўринбой Тўрақулов, Ҳамроқул Турсунқулов номи колхоз раиси Роҳатил Бўтабоев, Калинин номи колхоз раиси Маҳмуджон Аҳмаджонов ва бошқалар «Тошкент ҳақиқати» ҳақида кўпгина илқ фикрлар билдириб, бу рўномаларга улар раҳбарлик қилаётган жамоалар албатта ялписга ёзилаётган, бу рўнома обунасининг хўжаликлардаги қўлми ўтган йилдагидан ҳам кўп бўлажаклигига ишонтирдилар.

Ноҳиядаги совхозлар директорлари билан бўлган иккинчи учрашув ҳам тахририят вакилларида яхши таассурот қолдирди. Зеро унинг иштирокчилари ҳам обуна бобида ҳеч қандай муаммо ҳис қилмаётганликлари, меҳнаткашлар «Тошкент ҳақиқати»га бажонидил ёзилаётганликлари ҳақида гапирдилар. Айниқса, ноҳиядаги Ўсмон Юсупов номи богдорчилик ва узумчилик комбинати бош директори Шоалим Хусанов сўзлари кўпчиликлари манзур бўлди.

— Биз ишчиларнинг бир қисминини, хусусан, барча аёлларни, ветеранларимизни айрим рўномаларга бепул обуна қилиб, уларнинг оғирини енгиллаштига қарор қилдик, — деди у. — Шу мақсадда, комбинатнинг маданий-маънавий ишлари сарфлаш учун мўлжалланган маблағи ҳисобидан 15 минг сўм пул ажратилди. Маъмур ажратилган 7 минг сўми «Тошкент ҳақиқати» обунасига, 4 минг сўми ноҳиядаги «Янгийул» рўномасига ёзилишга, 2 минг сўмдан «Совет Ўзбекистони» ва «Қишлоқ ҳақиқати» рўномалари обунасига тўланади. Бундан ташқари комбинат жамоаси аъзолари орасида рўнома ва обномаларга яқна тартибда обуна бўлиш ҳам давом этаётган.

Учрашувлар мобайнида унинг иштирокчилари рўномани янада ўқинишни қилиш борасида бир қатор фикрлар, таклиф ва мулоҳазалар ҳам билдирилди. Тахририят вакиллари ўз фаолиятлари мобайнида уларни албатта ишобатга олажакларини ваъда қилишди.

Вилоят «Билим» жамияти фаолиятидан

Қишлоқ хотин—қизлари ҳузурида

ШУ КУНЛАРДА Тошкент вилояти «Билим» жамиятининг илм-фан ютуқларини тарғиб қилиш комиссияси аъзолари ноҳиялардаги пахта йиғим-терим билан банд бўлган хотин-қизлар ҳузурида тез-тез таъриф буюришмоқда. Дала шийпонларида тушлик маҳаллада ушатирилган учрашувлар кўпчилигининг эътиборини тортимоқда.

Ана шундай учрашувлардан бири Бўка ноҳиясидаги Илчи номи жамоа хўжалигининг 2- ва 3-бригадаларида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шаршунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номдодри М. Юнусхўжаевнинг маърузасидан сўнг далада меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг дилидаги гаплари тилга кўчди. Жумладан, улар пахтанинг ҳар бир килограммига 25 тийиндан ҳақ тўланаётгани жумҳурият Президентининг ҳаққимизни мустақиллик сари

бошлаётган қадами эканлигини мамнуният билан таъқидлашди. Улар билан сазимий суҳбатдан шу нарсалар бўлиб қолди, — дала меҳнаткашлари учун қудалик рўзгор буюмлари, қилиш, кир совун етишмас экан.

Пайпоқ нима деган нарсаси? Шу кунларда ерлаб ҳам, нечкурин ҳам пахтазорга шабнам тушади. Биз эса ноилко пайпоқсиз қилиш кийиб пахта теришга мажбуримиз, — деб кўйиниб гапирди хотин-қизлар. — Сентябрь ойи давомидида бригадамизга бирор марта кўчма дўкон келгани йўқ.

Ҳар кунки бригаданинг қаҳрамон оналар билан гаплашганимизда бир нарсалар таажжубга тушидик: улар Президентнинг кўп болали оналарга бериладиган нафақа миқдорининг икки баробар кўпайтирилгани ҳамда мазкур фармоннинг шу йилнинг 1 июлидан амал қила бошлаганидан мутлақо беҳабар эканлар. Ҳаттоки ҳақиқатча июль,

август, сентябрь ойлари учун белгиланган нафақани олишмабди.

— Хотин-қизларимизнинг эътирозлари тўғрй, — дейди жамоа хўжалиги касаба уюшмасининг раиси М. Саримбоев. — Бундан кейин Президентнинг ҳар бир фармонини колхозчилар ўртасида шарҳлаб беришни қатъий режалаштирамиз. Қаҳрамон оналарга бериладиган нафақа пулларига келганда эса одатда у ҳар уч ойда бир марта берилади.

Юзлари қуёшда қорайган, хотин-қизлар ташвишдан елиб-югурадиган Муҳаббатнинг гапига ишонмасдан иложимиз йўқ эди. Гап шундаки, камчиликларни тугатиб биргина унга боғлиқ эмасди.

Хуллас, пахтакорлар учрашувдан хурсанд бўлишиб, тез-тез келиб туришлар, деган истак билдиришди ҳамда «Тошкент ҳақиқати» рўномасига ёзиламан, дейишди.

Тадбир сўнгига билимларини тарғиб қилиш комиссиясининг фаол аъзолари вилот «Билим» жамияти томонидан «Тошкент ҳақиқати» рўномасига бепул обуна қилиндилар.

Г. ИҲЛОШЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

буна бўлдингизми?

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

1991 йил газета ва журналлари учун обуна 31 октябргача давом этади. Келаси йилда ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришини истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишини унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун қабул қилинади.

Эслатиб ўтаимиз: газетанинг обуна баҳоси 1 йилга — 15 сўм 60 тийин.



*

● СССР Президенти кенашининг аъзоси Е. Пригожин Урта Шарққа сафар қилди. У Бағдодда Ироқ томони билан у ердаги СССР фуқароларининг тезроқ олиб чиқиш кетиш хусусида музокара-лар олиб боради. Маълум бўлишича Ироқ маъмурулари совет мухтафассисларига чиқиш кетиш учун лозим бўлган ҳужжатларни тўхтатиб турибдилар. Франс-Пресс агентлигининг хабарига к-раганда, ҳозир Ироқда 5174 совет фуқароси бор. Е. Пригожин Иордания пойтахти Оммонга келгач, Фаластин озодлик Ташкилоти раҳбари Я. Арофат билан учрашди.

● ИРОҚ Қувайтда ҳамда Саудия Арабистони билан туташ ҳудудларда ўз қўшинларини қўлайтиришда давом этмоқда. Ҳозирга келиб Ироқ харбий қўшинларининг сони 430 минг жангчига етказилди.

● БИР НЕЧА кун муқад-
дам Германия Федератив
Жумҳуриятида Ташқи ишлар
вазирлиги ходимларидан би-
ри ҳисоба олинди. У Ироқ
Фойдасига жосуслик қилиши-
да айбонмоқда. Аяниқлани-
шгача, шу йилнинг марг ойи-
дан бошлаб у Бағдодга Фар-
бий Германия Ташқи ишлар
вазирлигининг Яқин Шарқ-
қа таълуқли муҳим хужжат-
ларнинг махфий равишда
маълум қилиб турган. Тер-
гов давом этимоқда.

● 1991 йил октябрда Венгрия Варшава Шартномасидан чиқадди. Страсбургда бўлиб ўтган матбуот конференциясида сўзга чиққан Венгрия жумҳурияти Бонна вазир Ижоеф Антал шундай деди.

* * *

● АФГОНИСТОННИНГ ҳозирги қонуний тузумига қарши бўлган куралиш оппозициячилар мамлакат пойтахтини яна ракеталардан ўққа тўдиляди. Қушқон Хон бошари худудда портлаган реактив ракета натижасида 25 киши ҳалок бўлди, 30 киши жароҳатланди.

* * *

● ПОЛЬША ПАП ахборот агентлигининг хабар беричи. сейм маршал М.

ж. калланиди.

● **ФИЛИППИН** ҳарбий кучлари мамлакат жанубида амалга ошириш мўжзалланган ҳарбий тўғатириниш олдин олдилар. Иёсинкорлар кумондонларидан бири, мамлакат маъмууларидан яшириниб юрган подполковник Эурардо Капуан тўғатирин раҳбарларидан бири экинчи аниқладан. Ҳаёста олиқган офицерлар ва солдатлар Миндаоа оролидан қатор йирик шаҳарларни босиб олмоқчи бўлганликларини айтди.

● **ИТАЛИЯДА** Оврупо комитет ағетилди. Фаэропо

лари отрядида қатнашиш учун очiq тайлов эълон қилинди. Тайловдан ўтган номсозлар яқин ўн йил ичнда халқаро космик станция — «Колумбус» бортда ўтказиладиган илмий-тадқиқот ишларида иштирок этишлари мумкин.

* * *

● ЧСФР халқ палатаси ҳамда миллий палата федерал мажлисининг қўша сессиясида Давлат номфотла-ри тўғрисидаги қонуи қабул қилинди. Мазкур қонунга асосан социалистик қурилиш йиллари таъсис этилган барча орденлар, медаллар ҳамда фахрий номлар бекор қилинади.

**ЧЕТ
ЭЛАРДА**

• Вилоят партия комитети умумий бўлимида •

ЎЗБЕК ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШГА
ЎТАЁТГАНЛАР УЧУН

● ХУРМАТЛИ газетхонлар, муштарийлар, давлат тили — ўзбек тилида иш юритишчи ҳаммаслар! Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг давлат тили ҳақидаги қонунининг қабул қилинганига ҳадемай бир йил бўлди. Шу орада қатор ташкилотлар, идоралар, муассасалар давлат тилида иш юритишга ўта бошладилар. Бу ишнинг тилда иш юритишга ўта бошлади. Бу ишнинг тилда иш юритишга ўта бошлади. Бу ишнинг тилда иш юритишга ўта бошлади.

тилида иш юритишга ўтаётган партия ташкилотларига ёрдам бўлармиди, деган умидда айрим суз ва атамаларнинг ўзбекча муқобиллини бугундан бошлаб эътиборингизга ҳавола этиб боради. Бу шубҳасиз қудалик иш фаолиятингизда ёрдам беради. Берилмаган суз ва ибораларнинг баъзилари такрор бўлиши мумкин. Лекин, барибир, уларни пухта ўзлаштириб олиш ва қудалик иш фаолиятингизда қўлланиш нафдан ҳоли бўлмайди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш кераки, берилмаган суз ва ибораларнинг ўзбекча муқобиллини жумҳурият атамалар комитети тасдиқ этмагунча биз тавсия этаётган сузлардан вақтинча фойдаланиб туриш мумкин.

Абзац — хат боши
Аванс — бўнак, аванс
Автоном — мухтор
Автор — муаллиф
Администратор — маъмур
Адрес — турар жой, манзил, табринома, кутлов
Ант — далолатнома, ҳужжат
Актив — фаол
Альтернатив — муқобил
Анота — сўров варақаси
Анотация — таъкир
Аккордний — ишбай, кўтар
Аппаратура — амалдор
Автобиография — таржиман ҳол

Арбитр — ҳакам, судья, арбитр
Аргумент — ҳакамлик
Аренда — ижара, пудрат
Арендатор — ижарачи, чоракор, пудратчи
Арханг — қадимий
Архипелаг — тақим ороллари
Архитектор — меъмор, биносоз
Артист — санъатчи
Архив — ҳужжатгоҳ, архив
Аристократ — киборли, оқсуяк
Архиолог — қадимшунос
Аттестат — шаҳодатнома

Атеист — даҳрий, атеист, худосиз
Аспирант — илмжў
Астроном — фалакиётчи
Аукцион — қим ошди савдоси
Аудитория — хона
Байдарка — енгил қайиқ
Бланка — босма иш қоғози
Бухгалтер — ҳисобчи
Бункер — қопчиқ
Билет — чипта
Блокада — қуршов
Буфет — емакхона
Бусталтер — сийнабанд
Банк — маблағхона, бисотхона, хазина
Бюрократ — димоғдор тўра

Вакант — бўш ўрин
Венгр — мижор
Верховний Совет — Олий Кенгаш
Ведомость — қайднома
Виза — розилик белгиси
Витрина — кўргазма
Вымел — байроқча
Венера — Зухра
Вкладыш — қўшимча варақ
Витамин — дармондор, витамин
Выписка — кўчирма
Веранда — айвон
Взнос — бадал
Визит — ташир
Выговор — ҳайфсан.



ПЕШҚАДАМЛАР

Бекобод ноҳиясидаги Дзержинский номидаги жамоа хўжалигининг механизатори Турсунали Тўхтамов кунига 10—13 тоннадан пахта тераяпти. Унинг ҳозиргача терган пахтаси 60 тоннадан

ошди. Суратларда: Турсунали Тўхтамов; терим давом этаётган; Фароғат Хакимова ҳар кун 100—120 килограмдан пахта тераяпти.

Суратчи М. ҚОРАБЕКОВ.

МАҲСУЛОТЛАР
МЎЛ

ОРЖОНИКИДЗЕ ноҳиясидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги аъзолари ҳам эл дастурхонини тўқин-сочин қилишга ҳиссаларини қўшиб келишяпти. Миришкор деҳқонлар бу йил давлатга 4470 тонна сабзавот, 380 тонна мева, 350 тонна узум етказиб беришга режалаштиришган. Хўжаликнинг Асқор Юнусов, Нуриддин Ажиков, Шухрат Эгамбердиев бошлиқ бригадалари ҳар қанчидан ҳам мўл ҳосил этиштиришга муваффақ бўлишди. Жамоа бўйича ҳар кун давлатга 20—30 тоннадан сабзавот маҳсулотлари, 6—7 тонна узум топиштирилмоқда. Хўжаликда 470 та оилавий пудратчи билан шартнома тузилди. Қузги давомида истеъмолчиларга жўнатишда Нигмат Усмонов, Нисом Хожиев, Зебо Мирсодиқова, сингари колхозчилар намуна бўлишяпти. Улар кунлик топиштирилган бир ярим ҳиссадан адо этиб келишяпти. Хўжаликда ўтган йили барча соҳалар бўйича 3 миллион 766 минг сўм даромад олинган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 4 миллион сўмга етказиб режалаштирилган. Шу қуларда барча бригада аъзолари давлатга сабзавот маҳсулотлари топиштириш давом этираяпти. Истеъмолчиларга кечки нарам ва сабзини жўнатиш ҳам бошлаб юборилди.

Э. ТУЛАГАНОВ.

АНЖУМАН
ОЧИЛДИ

Тошкентда ёш олимларнинг ботаника бопларининг ўсимлик ресурсларидан оқил-она фойдаланиш ва уларни қайта тиклашдаги ўрнига бағишланган Бутуниттифоқ конференцияси очилди.

Ленинград, Киев, Олмаота, Рига, Душанбе ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан келган ёш олимлар уч кун мобайнида шу соҳада тўпланган тадқиқотлар тажрибаси билан ўртоқлашдилар.

Ялпи мажлислар программасига ўсимликларнинг турли минтақаларга мослашши, тузчилик, шаҳарларнинг кўкалмазорлаштириш, саҳноат ботаникаси муаммоларига доир ахборотлар киритилган.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАДА

ФУҚАРОЛИКНИНГ
БИРИНЧИ ШАРТИ

• Шахсий фикр •

ИШХОНАМДАГИ касбдошим С. Любковский ҳовлиқиб зина-пояда мени тўхтатиб сурштириб кетди: Ўзбекистон ССР фуқаролиги ҳақидаги қонун лойиҳасини ўқиб чиқингизми! Қалай, зўра-а. Яқини Президентимиз...

— Ҳайратлангандиган жойи йўқ шекилли, — эътироз билдирди мен суҳбатдошимга ўқимчилаб.

— Э, йў-ёқ, аввал ўқиб чиқинг, бунақаси сира бўлмаган, — қонун ҳақида сўзлаётган у.

Шу баҳона бўлдики, мен қонун лойиҳаси ҳақидаги ўзбек миллиятига мансуб бўлмаган кишиларнинг бахсларига қўлоқ сола боладим, ўзим ҳам муҳокамага аралашдим. Аммо ким билан ҳамфикр бўлмайин, у лойиҳа ҳақида завок-шавқ билан гапирарди, уни юқори баҳолаб, қўллаб-қувватлашни изҳор қиларди. Бирок, бошқа фикр билдираётганлар ҳам оз эмас. Бу табиий, қайта қўриш фикрлар килма-хиллигини тасвир қилганда, ҳар ким ўзининг нуқтаи назарини ишқийлаб, қўриқмай очиб қўлишга ҳуқуқ берилган. Албатта, мени ўқиб бўлмаган миллият вакиллари лойиҳа матнини синиқлаб ўқишлари, қўуватлашлар ва эъ-

тироз билдиришлари мафтуни қилди, ҳайратланганди. Афсуски бу сифат бизда етишмайди. Байналмилалчи дўстларимиз лойиҳани обдан ўрганиб, биздан кўра чуқурроқ таҳлил қилишмоқда. Унинг кўп жиҳатларини қизгин маъқуллаш билан бирга айрим боблари юзасидан ўз эътирозлари, шахсий фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини ҳам билдиришмоқда.

Бу тақлиф, мулоҳазалар асосан жумҳуриятимизнинг давлат тили, маҳаллий аҳолининг урф-одатларини ҳурматлаш ва ўзбек тилини ўрганишга тааллуқлидир.

Сирасини айтганда, ҳар бир миллиятнинг урф-одати ва анъанаси шу ҳалқнинг тили билан чамбарчас боғлиқ, бирини иккинчидан ажратиб қўйиш мумкин эмас. Бир ҳалқнинг урф-одатларини ўрганишга бел боғлаган ҳар бир азамат аввал шу ҳалқнинг тилини ўрганишни ўз олдига

мақсад қилиб қўяди. Тилимизни тушунайдиган кишилардан қандай қилиб биз урф-одатларимизни ҳурмат қилишларини талаб қилемиз. Мисол учун АКШни олайлик, инглиз тилини билмаган киши ҳеч маҳал АКШнинг фуқароси бўла олмайди. Хуллас, фуқаро бўлишнинг биринчи шарти шу давлатнинг, шу ҳалқнинг тилини билиш шартлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Гапирилса гап кўп, сўзни муҳтасар қилиб тақлифларга ўтайлик. Ўзбекистон фуқаролиги ҳақидаги маъқул қонун лойиҳаси биринчи ғалда четдан келатган кишиларни ишқийлаб, қўриқмай очиб қўлишга ҳуқуқ берилган. Албатта, мени ўқиб бўлмаган миллият вакиллари лойиҳа матнини синиқлаб ўқишлари, қўуватлашлар ва эъ-

давлати Олий Кенгаши раисига кимдан (исми-шарифи)...

АРИЗА

Мен Ўзбекистон Давлатининг фуқароси деган шарафли номга муассар бўлишни орзу қиламан. Ўзбекистон фуқароси бўлишни ўзим учун фазр деб биламан. Ўзбекистон Давлатининг фуқароси номига сазовор бўлиш тўғрисидаги қонунни қондиришнинг ўрнига ўқиб қўрайман. Имзо. Арзизага илова қилиб тўдирилган анкета ҳам тақдим қилинса, унинг саволлари тузиб чиқилса мақсадга мувофиқ бўларди. Ўзбекистон Давлати фуқаросининг қасамда қўйиладиган жазмаласи: «Мен [исми, шарифи] Ўзбекистон Давлатининг фуқаролигига қабул қилинар эканман, ўзбек халқини ҳурмат қилишга, Ўзбекистон мамлакатларига зарар етказмасликка, ҳар қандай эътиқоз

ҳатти-ҳаракатлардан ўзимни тийишга, ўзбек тилини пухта ўрганишга, ўзбек халқининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишга қасамёд қиламан. Агар қасамимни бўзсам ўзбек халқи раво кўрган ҳар қандай шафқатсиз жазонинг ўшага тайёрман. Имзо».

Шундай қилингандagina бизнингча жумҳуриятимиз фуқаролигининг обрўси, шон-шавкати ва қадр-қиммати ортади, маҳаллий миллият вакилларида мутахассислар тайёрлашга эътибор кўчяди, бизда ўрнашиб қолган бошқа миллиятга мансуб кишиларнинг — халқ хўжалиги тармоқларидаги зарур мутахассисларнинг ери халқ билан ўйгунашга кетиш таъминланши мумкин.

Албатта булар менинг ошкоралик туйғул билдираётган шахсий фикрларим. Ҳақиқат бахсларда аниқлар дегандек бошқалар ҳам юқорида тилга олинган масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар билдиришса деган умидим бор.

Б. ҚАХОРОВ,
«Ўзортехмелиорация»
трести ходими.

[Муаллифнинг килтмосига кўра қалам ҳақи Уш фонисаси қўрибларни жағғармасига ўтказилди].

● УШБУ суратларда 2-ун комбинати ёнида кун кеча очилган янги нон дўконидagi меҳнат жараёнлари тасвирга туширилган. Бу ерда аҳолига нисси ва сифатли

нон маҳсулотлари етказиб бериш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Суратчи Х. СОЛИХОВ.

АКС
САДО
ЙИГИТ
КИШИНING
ҚАДРИ

ХУРМАТЛИ! кекса ўқитувчи Т. Тўқибоевнинг юқоридаги сарлавҳали мақоласини ўқиб, анчагача ҳаяжонланиб юрдим.

Бу зорманда «қалин, олди-берди» ҳамма жойда бор. Бизда-ку 2—3 минг, аммо Хоразм вилоятида, қорақалпоқ ҳамда қозоқ халқларида 8—12 минг атрофида деб эшитаман. Наҳотки ўз қизини пулга сотаётганларга ҳеч қандай жазо чораси бўлмаса. Наҳотки қўй-чиқинди кўп бўлиб турган вақтда акралаиб кетишга қайси томоннинг айби бўлса ўша томонини жазоламай, ҳар доим йигит томон жазоланса! Бу ахир аёл ҳуқуқини 200 фоиз, йигитлар ҳуқуқини 0 фоиз қилиб қўймайди! Муаллиф ёзганда, «Ойларнинг бузилишига фақат эр айбдор эмас-ку». Эр иложи борича ярашиб кетмоқчи бўлади-ку. Чўки қалин тўлаган, бир неча йиллар ишлаб ёки дадаси-ониси, ака-укаларининг пешона тери билан йиққан пул-мол, озиқ-овқат, кийим-кечак сарфлаб тўй қилган-ку.

А. Қодирнинг «Ўтган кунлар» романидаги қайнота Юсуфбек ҳожининг келинларига насиҳати гоёт ибратли. Уйлаймани, барча қайноталар Юсуфбек ҳожидек насиҳат билан ақралаганларни яраштирадилар, уришганларни нисоғга келтирсалар, қўйди-қикди камроқ бўларди.

9. ЖУРАЕВ,
ишчи.

АКС
САДО

ҚУНОҚОҲЛАРИГА рухсат теккан ёш тоғиларнинг қий-қувидан бўшаб қолган мадраса ҳовлиси андан дақиқада жимий қолди. Илм ҳужрасида ҳаяллаб қолган Хусайини кутаётган Алишер турфа гуллар очилиб турган гулзор четида майин чимзор устига беозоргина чўқиди-да, ҳаёлга изн берди...

Мадрасанинг гулдор эшигини аста очиб чиқётган Хусайин ўнг қўлига осилиб турган шойи салласининг пешбоғини чап елкасига ирғитган ҳолда ҳовлининг икки тарафига излов қараш қилиб Алишерини кўргач олдинга югуриб келиб сўроқдай бошлади.

— Али... нечун паришонхотир ўлтирувчи?
— Билурсизми Хусайин, мадрасаларимиз қондаларидан кўнгулм бироз вайрон кечадур.
— Неун вайрон кечадур, Али?..
— Шунингчунки, биз, шаҳзодалар турфа мадрасаларда таҳсил тоғайимизу шўрлиг чилангар ҳамда чорикор тупроғдин ризқ ундиручилар — қашшоқ, қишлоқ аюмларининг зурдалари эрса мукарамма илм даргоҳига қадамлари етмай ўтадилар.

Хусайиннинг сўзларида ийронлик аломати ҳосил бўлиб, зангор гумбага нигоҳини тикиб сўз қотеди:
— Азизим, Али, бу фойи олам саҳнида неки мавжудот бор эркан, барчаси мукарамма Оллоҳнинг амриду. Кимнинг пойи-қадами мадрасаларимиз остонасига етгон эркан, тағирининг ярақлаган бандалари, ҳисоблангулар. Қодир Эгам кимнинг зуваласини ортгун, киминини чоргоқ яратгон бўлса, биз



итоаткор бандаларининг қўлидан не ҳам келур эрди? Оллоҳнинг иродасига шак келтирмаклик ато василга тупурмаклик бирла тендур.

— О... дўстим Хусайин, сўзларингиз гоғлда пурмамо. Аммо бу чархи гардуниинг жаъми нуқсонларини ягона Оллоҳ амрига рўбарў айламак ҳам Оллоҳга озор бермаклик эрмасмикан? Оллоҳкариям «Эй, бандаларим, мен сизларга идрок айламак учун фикрат, кўрмак учун қўз, сўйламакка қўл, эшитмакка қўлоқ, ишламакка қўл, юрмакка оёқ бердим, қолган неки неъматим бўлса ўларингизни яратиб олғайсизлар»... — деб айтгон эркан. Бизлар Оллоҳ истанларининг аксини тартиб этиб бандаларини паст-баланд тоғаларга ажратиб, озордин ўзгасини билмасмиз. Бундайин тақабурнинг комида аҳли авом ҳеч қачонки камолот кўшигига қадам қўймағай. Қиё-



ҲИКОЯ

матлуғ дўстим Хусайин, сиз яна шул фикратни идрок этингизким, парвардигори олам барча зотлар жисмидаги минг бир аъзоларини тенг яратидурлар. Шундай эркан, бас, барча авом зотлар ҳам хуриликда ишмоқ лаззатидан баҳраманд бўлоқлари лозим эрмасму?

Хусайин болаларча бегубор қараш қилиб Алишернинг елкасига қўлини ташлаб қўзғалмоққа даъват этади.

— Туринг Али, чимзорда ҳаялламақим бас айлаб, қўноқоғларимизга эртароқ бормоқ лозимдур. Улар мадраса ҳовлисидан чиқиб, қўноқоғларига етказувчи ўтлоқ йўлдан борар эканлар, майсалари

қиртишлаб ташланган улкан майдон ичида бир тўда ўспирин йигитчалар камон отишув, шамшир сермах илмидан сабоқ олаётганликларини кўрган Хусайин ҳаяжонланиб деди:

— Али... мен суйган машгулотлардин сабоқ олишмоқда эркан, юрунғиз биз ҳам илхос ила томошо ихтиёр этайлук.

У Алишернинг қўлидан ушлаб майдон сари торта бошлади. Алишер эса оёқлари заминга михлаб қўйилгандек турган жойидан қимирламай, Хусайинга қараб сўз қотеди:

— Камону шамшир сабоқларининг охири-оқибати вайронагариникидур, мен эрсам бунёд этмакликни ҳавас этадурмен. Азиз Хусайин истасангиз ўзингиз томашунгиз этмакин ихтиёр айлангиз. Меининг эрса бундай сабоқларга тоқатим йўқидир. Эрта бомдод лаҳзасида қўришгунча саломат бўлғайсиз.

Елғиз қолғиси келмаган Хусайин оилож Алишернинг, ортидан эргашаркан йўл-йўлакай гапириб боради:

— Эҳ, Али, қошн эрди камону шамширларсиз, бегазот умр кечирмак мумкин эрса. Афсуски, ўндай эрмас, ҳар лаҳзада камону шамширнинг хизмати даркор бўлиб турғай. Тушунасангизки, ўз паҳоқоғларини, саройбону посбонларини ҳурмат этмайдургон элат комидин осийониталик умид этмак жоҳил забонидин ширин калом кутмоқ бирла тенг эрмасму?!

— Сўзларингиз камон ўқи янглиг тўғридир. Аммо шамшир намонарсиз осийонгиз давронларини қачон бунёд этурмиз? Афсуслар бўлсинким, жаҳолат юклари тарозунинг оғир палласини ҳамшиялик тутқун айлаб илму салтанат камолга ёлтигон зангидек емирнб, ямлаб борадир.

Хусайин ўз қўноқоғига қараб буриладиган жойга етгач дўсти билан хайрлашди-да, илдам юриб кетди. Унинг ортидан термузлай қолган Алишер ўз-ўзига сўзлай бошлади.

— Хусайини азгулик бўстонига бошлаб билсам тангирим қошида сабоддин-сабод иш бунёд этгон бўлур эдим. Иншооллоҳ умидим мустажа бўлғай. Илмдин беҳабар авом зуредларига мадраса дарбозаларини очиб қўйғаймиз. Ишларим ривожига парвардигори оламнинг ўзи мададор бўлғай. Мен эрсам ўз назму ашъорларим бирла аҳли муинларнинг қобил зуредларига ўғит бергаймен...

Турсун МУҲАММАД.

БОБУР БОҒИДАГИ УЧРАШУВЛАР

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ сўлим боғлардан бири Захриддин Мухаммад Бобур номи берилган, боғ маъмурияти Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси тарғибот маркази билан қатор ижодий учрашувлар ўтказишни режалаштириб олишди.

Дастлабки учрашув қатъий йилларида қатъий атоқли сўз санъаткори Абдулхамид Чўлпон хотирасига бағишланди. Унда шоирлардан Тўра Мирзо, Ҳамроқул Аскар Чўлпон шеърларидан намуналар ўқинди. «Тўра Мирзо» ансамблининг бадий раҳбари Бахтиёр Холжўваев, истеъдодли тоналлар Фарҳод Мухомов ва Олимжон Матмуродов шоир шеърлари билан қўшиқлар ижро эттишди.


Навбатдаги учрашууда кулги шинавандалари «Муштур» жаридаси жамоаси ва муаллифлари иштирокидаги «Кулги кечасининг гувоҳи бўлишди. Жарида бош муҳаррири Незам Аминов, ҳажвчилар Олим Қўчқорбеков, Анвар Обиджон, «Ханда» ансамблининг раҳбари

Шерқўзи Ҳозиев, бадий сўз устаси Соат Шарипов, «Қизилчи-90» кўринишининг сариндорлари дам олувчиларга кулгу улаштиришди.

Учрашувлардан бири Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланди. Жумҳуриятимизга танилган олимлардан Сабоҳат Азимжонова ва Фозила Сулаймонова тўплаганларга улуғ шоир яшаган давр ва унинг бебаҳо адабий мероси ҳақида сўзлаб берди. Шоирлардан Барот Бойқобилов, Абдулла Шер, Миршўлат Мирзаев Бобурга бахшида асарларидан ўқинди. Ўзбекистон ССР халқ ҳофиза Хасан Ражабий ва хонанда Алишер Ғаниев шоир сўзлари билан қўшиқлар ижро эттишди. Учрашууда ижодкорлар тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Айни кунларда боғ маъмурияти ва тарғибот маркази дам олувчиларнинг тақлиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, навбатдаги учрашувларни режалаштирмоқдалар.

А. МҲМИНОВ.



ЭГИЗАКЛАР БАЙРАМИ

Пойтахтнинг Ленин комсомолли номи маданият ва истироҳат боғида кейинги пайларда ўтказилаётган кўплаб тадбирлар шаҳар меҳнатқиллари ва меҳмонларига манзур бўлмоқда. Зеро, уларнинг тақдирини ҳаётга тадбиқ қилиш борасида анча изланиб, бу ишга ижодий ёндашмоқдалар. Ўтган шанба кунини бу ерда ўтказилган тантанали кинохона маърааси ҳам ана шундай тадбирлар сира-сига қиради.

Боғ саҳнига қадам қўйган

Тўрт кўё — Ҳасан, Ҳусан ва Ҳасанча ва Ҳусанча Мирзаяри-мовлар ҳамда уларнинг ёнидаги келинчақлар — Насибат, Барнохон, Ферузахон, Азизахонлар ҳамма-бир диққатини ўзига тортди. Зеро, йигитларнинг бари Тошкентнинг 1-Қорасу мавзисидagi Абдалдин кўчаси 15-уйда истиқомат қилувчи бир оила фарзандлари — ака-укалари эди. Бундай тўй камдан-кам оилга нисбат этади. Шунинг учун ҳам у ҳақиқий эгизаклар байрами сифатида ришоналанди.

Келин-кўёларини 146-ўрта мактабнинг 1-синф ўқувчилари Фотима, Заҳра, Заҳро Ҳамидовлар ўз ашула ва рақслари билан муборакбод этиб, яхши ният билан уларга қўйишлар тақдим қилишди. Бундан ташқари шодиёна сабабчиларини шоирлардан Меҳринисо Ойдинова ва Фаридат Усмонова-лар ҳам чин дилдан қўлаб, шеърлар ўқиди. Боғ раҳбарияти ҳам четда қолмади. Келин-кўёларга тўқин-сонин дастурхон рамзи бўлмиш ла-

ган ҳамда мангу ёруғлик тим-соли сифатида чирокча эсдалик совғалари ҳадя қилинди. Шу кунини бу ерда таъриф буюрганлар хизматида бўлган А. Исронов ноҳиясидagi маданият уйининг «Кўнгила» ансамбли ижросидagi куй ва қўшиқлар ҳам байрамга катта фойда қўшди.

У. ҲИҚМАТОВ.

Суратларда: байрам лаҳзалари. Д. АҲМЕДОВ суратга олган.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

МУШОИРА—90



ЎЗИНГСАН

Менга қийин бўлди сенсиз яшамок
Кўйи нурлари ҳам ғариб кўринди.
Бир дунё йўл ўтмоқ,
Василинга етмоқ —
Мен учун мўқаддас бир орзу эди.
Юксакда юлдузлар
Кўларинг дедим.
Туларин термулиб илтижо билан,
Еллар шинавини
Сўзларинг дедим.
Юрак тўқинланди дафъатан.
Мана, орда қолди оғир жудалик,
Боқманан василинга тўймайман, дилбар.
Ўзингсан мен учун
Елгиз вафоли,
Ўзингсан энг ўзгал, гўлсан муаттар.

МУШОИРА-90 ТАЛАБАЛИК ЙИЛЛАРИНИ ЭСЛАБ

Хотирам дафтарини арақлаб,
Ўтмишлар кўчади бу кунга.
Йиллар кетган сари йироқлаб,
Қайтмиш келар дорилфунунга.
Ва сингил кетаман ўша —
Дадил одамларнинг сафлари аро.
Ўтган кўлар,
Хайрли гўша
Чорлагандай беради садо.
Дўстларим, ҳаётингиз кўраман,
Салом-авазларингиз кўлоқларимда.
Даврангиз сийрақим, бу кун
Бўзлар ола ер кўчоқларимда...
Бахс, тортишув, ўйин-кулги билан

Баъзида тонларга
Чикардик пешвоз.
Гоҳда кўюниб,
Гоҳ кунаб дилдан,
Орзуга қўйилди яшар эди сўз.
Хотирамнинг дарё бағридан
Йироқлашиб борар у кўлар.
Ленин дилга экин бўлиб қолар.
Кўп орзулар ушалмай қолди.
Умримиз ҳам бўлмоқда ярим.
Қайтмиш келар яна бағринга,
Шундан бошқа йўқдир айтарим.

ЯШАШ ВА ЯРАТИШ

Тугиларкан ёруғ дунёда нисон,
Яшаш ва яратиш орзуси унда.
Умр бўйи этар курашда давом
Ҳа, ҳаётингиз мағзини қизини шунда,
Умр йўли олис, ҳар бир қадамда
Қанча-қанча сўймоқ, доволарим бор,
Шу йўлларим босиб ўтган одамга
Омад қилиб боқар, толе бўлар эр,
Қалбимда бор экан кураш орзуси,
Улкан мақсадлар-чун курашув ҳар дам,
Шу йўлни ёритса умрим ёғдуси,
Ўзимни санарман чинкам одам.

ТҮРТЛИК

Ҳаётимдан кетмас ажиб бир жумбоқ,
Табиатнинг қизик низомига боқ;
Меҳнатин қилади икки қўл, лекин —
Лаззатин кўради тил билан томоқ.
МУҲИДДИН ЖАББОР.

ИСТАК

Кўз ўнгимда ҳусну жамолнинг,
Кўз ўнгимда сарвад қомат.
Ой юзинга ярашган холинг,
Ногоҳингда титроқ ҳаловат...
Талпинман сенга ошфта,
Ошфута дил излайди вискон.
Ҳисларимнинг илқи тафтида
Ўмидларим топиқда қаюл.
Армонлардан вужуд ҳам ёнар,
Гумонлардан бағримда оташ.
Сўзларинг дедим,
Юрак тўқинланди дафъатан.
Мана, орда қолди оғир жудалик,
Боқманан василинга тўймайман, дилбар.
Ўзингсан мен учун
Елгиз вафоли,
Ўзингсан энг ўзгал, гўлсан муаттар.

ГАЗЕТХОН ИЛҲОМЛАРИ

ЎЗГАНЛАРИМ

Ўзгандарим шеър эмас, газал ҳам эмас
Кўнглимни ёриб чиққан орау-армондир.
Ўзгандарим шакар ҳам, асал ҳам эмас,
Юракдан сизиб чиққан бир қатра қондир.
Ўзгандарим абадий, азал ҳам эмас,
Ўтгучи бу дунёга лаҳза меҳмондир.
Ўзгандарим севгимдан уққундир, холос,
Муҳаббатсиз бу дунё менга зиндондир.

Ўзгандарим ҳаётим, айни ҳақиқат
Мен ўтарман, у эса мангу омондир.

БИР ГҮЛ ҚЎШИЛДИ

Чаманимга нозиккина ажиб бир гул қўшилди,
Боқинлар ажиб олар, сочи сунбул қўшилди.
Жамолнинг жилвасига учраганлар бемордир,
Сўзларидан асал томган оран дил қўшилди.

Хуш овози мусиқадай дилга ором бағишлар,
Кўнглимнинг даврасига гўё бўлб қўшилди.

Йўл бошида йўл пойлаган биз ғарибни шод этиб
Лайли бўлиб Мажнунига, нитиқ қўйиб қўшилди.

Содоқатли дилдорлар пойига жонлар фидо,
Ҳазалимга бериб оҳанг ақли қомил қўшилди.
АҲМАДЖОН УМАРОВ.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИКДА

Ҳақида фильм яратишни орау қилганди. Аммо «турғунлик даври» деб ном олган ўша пайтда фильмни суратга олишнинг имкони бўлмади, уни таъқиқлаб қўйишди. Ўзбекистоннинг ҳовирга ҳукумати, — деди «Темур» фильмининг бош директори

П. Амати, — картина ижодкорларига ҳар томонлама хайрихоҳлик қўрсатмоқда. Фильм келгуси йилнинг апрелидан суратга олина бошлайди. У икки хил вараида яратилади: икки серияли лента кино экранларида ва тўрт серияли лента

кисликлариди макон қуради, урчиб кўчади. Қўшларини хаққалаш бизга уларнинг парвоз маршрутлари, қишлоқ минтақаларини аниқ белгилашда ёрдам беради.

Сўнгги вақтларда бу нодир қўшларни муҳофаза этиш чора-тадбирлари қўрилгани туфайли уларнинг сонига камаяётгани йўқ. Аммо бу хотиржамликнигина сира сабаб бўлолмайди. Совет ва чет эл олимлари оқ турналарнинг Ер юзидан йўқолиб кетмаслигини учун келгусида янада фаол кураш олиб боришлари керак.

МУСИҚАДАН АМАЛИЙ ЁРДАМ

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда мусиқа маданияти ҳар томонлама равнақ топди. Бастакорларнинг қатор янги авлодлари етишиб чиқди.

Бастакорлар ижодида қўшиқ жанри етакчи ўринни эгалламоқда. Бу хил ижод намуналари ўз жанри, оҳангдорлиги ва жозибаси билан ажралиб туради. Ана шу ижодий жараёнлар ҳақида ҳикоя қилувчи алоҳида тўплам тайёрланмоқда.

Нашр йўли билан яқин давр ичиди чиқариладиган ушбу китоб «Ўзбекистон бастакорлари қўшиқлари» деб номланди. Ўқитувчиларга ёрдам тариқасида чоп этиладиган бу қўлланмада мактабларда мусиқа таълимига доир қимматли методик тавсиялар ва қизиқарли сабоқ намуналари ҳам ўрин олади.

С. ОДИЛОВА.

ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР

«ОЗОД» жумҳуриятимизда биринчи хусусий корхона сифатида бўйхатта олинди. У Австрия технологияси бўйича газмолларга расмлар тушириш билан шуғулланади. Чунотчи, Тошкентда миллий музика асбоблари тайёрловчи иккита унча катта бўлмаган фабрика ташкил этилди.

Хусусий корхоналарнинг сонини жумҳурият Олий Совети корхоналарга хусусий эгаллик қилиш ҳақида шу йилгача қабул этиладиган қонундан кейин янада орттириш кутилмоқда. Фақат Тошкент шаҳрининг ўзида, масалан, шаҳар маъийи хизмат бошқармаси томонидан 300 дан орттиқ саргарошхона хусусий кишиларга шахсий мулк сифатида берилиши мумкин.

Ўзбекистон Президентини Н. Каримов ўзининг ёштинги нутқларидан бирида таъкидлагандек, яқин вақтлар ичиди кооператив, акционерлик ва хусусий мулкчилик тариқасида иш юритувчиларга беш-олти мингта савдо, умумий оқватланиш, маъийи хизмат кўрсатиш корхоналари ва кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи бошқа корхоналарнинг сотиш имконияти мавжуд.

(НАН).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ
АБОНЕНТЛАРГА

15 НОЯБГА ҚАДАР ЎЗ ВОДОПРОВОД-КАНАЛИЗАЦИЯ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ

1990—1991 ЙИЛЛАР ҚИШ МАВСУМИДА
ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЕРЛАБ ҚЎЙИШНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

БУНИНГ УЧУН ҚЎЙИДАГИ ИШЛАРНИ
БАЖАРИШ ЛОЗИМ:


водопровод ва канализацияни профилактик ремонтдан чиқариш;

— вақтинча мавсумий сув тақсимлагичларини ёпиб қўйиш;

— очик ётган сув қувурлари, сув сарфини ҳисобга олувчи ўзеда ва сув тақсимлагичларини иситиб қўйиш. Қиш шариоатида фойдаланишга тайёрланган водопровод-канализация хўжаликлари қўшимча оғоҳлантиришсиз шаҳар сув тармоғидан ўзиб қўйилади.

Бир йўла сув ҳақини ўз вақтида тўлаш лозимлигини эслатамиз.

ХОВЛИ ВОДОПРОВОДЛАРИНИ
ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЕРЛАШ:



Ховли водопровод тик қувурларини қиш мавсумига иситиётганда қувурнинг ташқи сатҳи — тик қувур ва иситувчи материал оралиғида 40—60 миллиметр бўлиқ қўлиши лозим.

Майдаланган сомон, қуруқ қипиқ, қуриган ўт ва бошқа иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ўраш материални бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иситиш материалнинг қалинлиги намида 30—35 сантиметр бўлиши керак.

Сув тик қувурини ўраш учун металл тўрлар, қоп, қалин қорғоз ва бошқалар қўлланилади.

Водопровод тик қувури ўралганидан сўнг у ёғоч билан ўраб чиқилади ва бўш қолган оралиқда қипиқ тўлдирилади.

Қўпичча вентиляция салнини ишдан чиқиб сув иссиқлигини сақловчи материалга оқиб кетади. Шунинг учун вентиляция тағида тунука ёки шифер бўлиши, уни ёғоч қопламадан ташқарига чиқариб, бир мунча нишаб билан ўрнатиш лозим. Гидрофнинг усти очилиб, ёпиладиган қўпоқ билан ёпилиб, вентиль маховиги учун туйнук қолдирилади.

С. И. КАДИШЕВ НОМИЛИ 33-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Совет Армияси сафларидан заҳирага бўшатишган йигитларини «ЭЛЕКТРОАВАНДИ» ихтисоси бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — ОНИГА 85 СУМ СТИПЕНДИЯ ТУЛАНГАН ҲОЛДА 6 ОН.

МАШҒУЛОТЛАР — ГУРУХЛАР ТУЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Тураб жойга ахтиёкин бўлган ўқувчиларга ётоқхонадан жой берилади.

Кирувчилар қўйидаги ҳужжатларини тоширилади: директор номига арiza, паспорт, ҳарбий билет, 86 намунадаги тиббий шаҳодатнома, 3х4, 5х6 см. накатлидаги 6 та фотосурат.

Маънавияти: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй, (30, 103, 110, 151, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадиев номи билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ХУДУДИДА ФОЙДАЛИ
ҚАЗИЛМА ҚОНЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ ЕКИ
ҚАЙТА ИШЛАШ БИЛАН
МАШҒУЛ БУЛГАН КОР-
ХОНАЛАР, БИРЛАШМА-
ЛАР, КООПЕРАТИВЛАР-
НИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

1990 ЙИЛ

15 НОЯБРГАЧА

корхоналар, таъкилотлар, кооперативларни қайд қилиш учун ўз вақтида келиш

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТА-
БИАТИ МУҲОҒАЗА ҚИ-
ЛИШ КОМИТЕТИГА (Тош-
кент шаҳри, Луначарский
узуи кўчаси, 235-уй) ЖУ-
НАТИШЛАРИ ЗАРУР.



Жума

5 ОКТЯБРЬ

ЎЗТВ I
11.30 Ҳужжатларнинг бир кунини
Бадий фильм. 18.05 Янгилик-
лар. 18.10 Мултифильм. 18.25
Концерт. 18.55 Фанга бағиш-
ланган умр. 19.30 «Ахборот».
19.50 Тавфик ал-Ҳасими. Изҳор.
Теленовелла. 20.30 «Ахборот».
20.50 Навоийхонлик. 21.30
«Время». 22.00 Бадий-мусиқий
курсути. 22.00 Ҳўроз. Бадий
фильм.

ЎЗТВ II
19.05 «Шаҳримизнинг бир кун-
ни». 20.00 Пульс. 20.10 Шаҳри-
мизнинг бир кунини. (давомий).
ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ
21.30 «Время». 22.00 Пакта-
корлар учун курсути. 22.50
Сайри Бадахшон. Театр.

МТ I
7.00 «120 минута». 9.05 Муль-
фильм. 9.15 Савҳатчилар клуб-
ни. 10.15 Эфирда мусиқа. 1 ва
2-қисмлар. 12.15...16 ёшгача
ва ундан катталар. 13.00 «Вре-
мя». 16.15 Ҳазиналар ороли.
Бадий фильм. 3-серия. 17.20
Мултифильм. 17.30 50х50. 16
ёшгача ва ундан катталар кўр-
сатувида мусиқий илова. 19.00
«Время». 19.30 Тараққиёт. Ах-
борот, Реклама. 20.00 К. Яб-
лонский челади. 20.25 Муль-
фильм. 20.40 Овозимизни бу-
тун дунё эшитида. 21.30 «Вре-
мя». 22.00 Коллаж. 22.05 Ич-
ки ишлар вазирилик маълумот-
ларига кўра. 22.20 Бу бўлган...
бўлганди. 22.50 Кўриниш про-
граммаси. 01.50 ТЯХ.

МТ II
9.00 Эрталабки бадан тарбия
машқлари. 9.15 Илмий-омма-
боқ фильм. 8.35, 10.35 Табиат-
шунослик. 10.05 Инглиз тили.
11.05 Инглиз тили. 11.35, 12.35
Адабиёт. 12.05 Юнон Британия
бутунги кунда. 13.05 Ака-ука
Риколар. Бадий фильм. 2-се-
рия. 14.10 Ҳужжатлар фильм.
15.10 То бирон ҳодиса юз бер-
магунча. 15.30 Шаҳсий бахт.
Бадий фильм. 5-серия. 17.30
РСФСР шаҳарлари телестудия-
лари. 17.55 Халқ оҳанглари.
18.05 Илмий-оммабоқ фильм-
лар. 19.00 «Время». 19.30 Но-
гай жомалари. 20.00 Фемиде
тарозиси. 20.30 Тунингиз ҳай-
ли бўлсин, кичикитойлар! 20.45
Ким охири? Телеочерк. 21.15
Коллаж. 21.20 Тенисчи. 22.00
Спорт ҳамма учун. 22.15 СССР
Олий Совети сессиясида. 22.45
РСФСР Олий Совети сессияси-
нинг кундалиги. 23.45 Ягона
эркак. Бадий фильм. 1 ва 2-
сериялар.

ТОШКЕНТ
ХАКИКАТИ
(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КҮ-
ЧАСИ, 32.



Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БУЛИМЛАР: идеология — 325778; агрономат — 325647; сановат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; мада-
ния — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.